

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Нафас ШОДМОНОВ**

**МУАММО ЖАНРИ  
ВА  
УНИ ЕЧИШ АМАЛЛАРИ**

*Ўқув қўлланма*

**Қарши – 2012**

Ушбу ўқув қўлланма ўзбек адабиёти тарихида адабий савияни баҳолаш ва уни юксалтириш воситаси сифатида кенг амалда бўлган муаммо жанри тўғрисида маълумот беради. Унда мазкур жанрнинг ўзбек адабиётида туганган ўрни, жанрий тавсифи, ечиш амаллари ва услублари батафсил баён қилинган. Талабаларнинг муаммони ечиш борасида малакаларини мукамаллаштириш учун қўшимча таҳлиллар ҳам қўлланмадан ўрин олган. Муаллиф улуғ сўз санъаткори Алишер Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” таркибига кирган “Наводиру-ш-шабоб” девонидаги муаммоларнинг деярли барчасини, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бир неча муаммосини ишонарли ечимлари билан тақдим қилган. Шунингдек, Шайх Аҳмад Тарозий ва Муҳаммад Ризо Огаҳий каби шоирларнинг муаммоларига ҳам мурожаатлар қилинган.

Қўлланма бу соҳадаги биринчи уриниш бўлишига қарамай, мутахассислар, талабалар ва, умуман, адабиёт ихлосмандларининг сеvimли китобига айланишига ишонамиз.

**Масъул муҳаррир:**

**Нурбой Жабборов,**

филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

**Баҳодир Каримов,**

фанлари доктори, профессори.

## МУҚАДДИМА

Мамлакатимизда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши барча миллий қадриятларимиз қатори мумтоз адабиётимизнинг ўқувчилар учун бир қадар унутилган ёки унча яхши маълум бўлмаган саҳифаларини чуқурроқ ўрганиш ва кенг тарғиб этиш имконини яратди. Ватанимиз тараққиётини замонавий билимларни мукамал эгаллаган, онгли, юксак салоҳиятли, мухтасар айтганда баркамол авлодлар таъминлар экан, таълим соҳасида олиб борилаётган катта ислохотлар, энг аввало, уларнинг тарбиясига қаратилмоқда. Ҳар қандай билимни эгаллаш биринчи галда зехн ва тафаккур тайёргарлигига боғлиқ. Бунда мумтоз адабиётимизнинг улуғ намояндалари яратган бой меросдан, улар қўллаган тadbирлардан оқилона фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади. Муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз»<sup>1</sup>, деган сўзлари бу соҳадаги ишларнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек мумтоз адабиётида кўхна Шарқ адабиётида бўлганидек илм ва сўз санъати толиблари тафаккури, заковатини шакллантириш ҳамда юксалтиришда муаммо жанри муҳим рол ўйнади. Афсуски, бу жанр ўтган аср шўровий мафкураси таъсирида “мазмунни қурбон қилиш эвазига ҳосил қилинадиган шакл”<sup>2</sup>, яъни қуруқ шаклбозлик сифатида баҳоланиб, ўрганилиши деярли тўхтатиб қўйилди. Аслида, муаммо жанрининг шаклбозликка мутлақо алоқаси йўқ. У тафаккур чархидангина иборат. Қолаверса, санъатда “қуруқ шаклбозлик” деган тушунчага унчалик қўшилиб бўлмайди. Савиясизлик бўлиши мумкин, бу бошқа гап. Тасаввур қилинг, ғоявий моҳиятдан холи гўзаллик намунаси бўлган бирор куй ёки рангтасвир намунаси бўлиши мумкин-ку. Нега худди шундай адабий асар – сўз санъати бўлиши мумкин эмас? Бизнингча, эстетик завқ бериши мумкин бадий сўз санъати шаклини қуруқ шаклбозлик деб бўлмайди. Шаклни мукамал даражага келтира олмаслик савиясизликдир. Буни оқлаб бўлмайди. Шаклни мукамаллаштириш машқи учун энг яхши восита бўлиб муаммо жанри хизмат қила олади.

Муаммо кичик жанрлардан бири. Уни ғазал, қитъа, ҳатто қасида жанрлари кўринишида ҳам ёзганлар. Лекин муаммоларнинг асосий қисми бир байт, яъни икки мисра, баъзан икки байт ҳажмига тенг бўлади. Ана шу ҳажмда бирор номни бадий эстетик завқ бера олиш даражасидаги яшириб айта олса, ижодкор ўз топқирлиги, моҳирлигини намоён қила олади. Юксак салоҳиятли ижодкорлар бу ҳажмда даврнинг муҳим масаларини айта олганлар. Мисол тариқасида Абдураҳмон Жомийнинг “Ҳусайн” номига ёзилган бир муаммосини келтириш мумкин:

*Ту зи рӯи жавр ронди ростонро з-остон,  
Ҳаст аз ин сурат миёни дўстон сад достон.*

Мазмуни: сен жабр юзи билан остонангдан ростларни (тўғри зотларни) четлатдинг,  
Бу ҳақда дўстлар орасида юз достон бор.

Маълумки, муаллиф муаммони ўша даврдаги имло – араб ҳарфлари асосида ёзган. Шунинг учун уни ўша ёзувда тасаввур қилиш керак.

Муаммонинг ҳал қилиниши қуйидагича: “остон” сўзидаги “ростон” – икки тўғри ҳарф бўлган “алиф”ларни олиб ташлаб, унинг бошига “жабр”нинг юзи “жим” ҳарфини

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 48.

<sup>2</sup> Бертельс Е. Э. Навои. Опыт творч. биографии, М. — Л., 1948, с. 44—47.

қўшиш ва ҳосил бўлган “жустан” сўзидаги нуқталар муаммо ечишнинг *тасҳиф* амалига кўра тескари қўйилса, “Хусайн” исми ҳосил бўлади.

Адабиётшунос Лутфулла Зоҳидовнинг фикрича, Жомий бу муаммони Навоий саройдан четлатилган даврда ёзган<sup>3</sup>. Муаммонинг Хусайн номига ёзилиши буни тасдиқлайди. Бинобарин, муаммо жанрида катта ижтимоий масалалар ҳам қаламга олиниши мумкин.

Шунинг учун ҳам форсий ва туркий адабиётлар тарихининг энг гуллаган даврида бу жанрга эътибор кучайган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида 65 та муаммогўй шоирлар ҳақида маълумот беради. Улардан бештаси: Шарофиддин Али Яздий, Мавлоно Юсуф, Мавлоно Сайфий, Мавлоно Бурҳониддин ва Мир Хусайн Муаммой Нушопурий муаммо назарияси ҳақида рисоалар ёзганлар. Булардан ташқари, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Муҳаммад Бадахший, Мавлоно Камолиддин ва Алишер Навоий ҳам ўз рисоалари билан муаммо назарияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, Абдурахмон Жомийнинг “Хуляту-л-хулал” (Безаклар беағи), бошқача номи “Рисолаи муаммои кабир” (Муаммо ҳақида катта рисола), “Рислаи муаммои мутаваассит” (Муаммо ҳақида ўртача рисола), “Рисолаи муаммои сағир” (Муаммо ҳақида кичик рисола), “Рисолаи муаммои манзуми асғар” (Муаммо ҳақида кичик назмий рисола), Алишер Навоийнинг “Муфрадот” (Муаммо алифбеси)<sup>4</sup> ўша давр толиблари учун энг яхши қўлланмалар сифатида эътироф этилган. Буни китобга Абдурахмон Жомийнинг “қабул нишонаси” – берган баҳосини рисола гениал шоирнинг ўғли Зиёуддин Юсуфга дарслик сифатида белгиланганида кўриш мумкин.

Туркий адабиётда муаммо жанрининг мустаҳкам ўрин эгаллашида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Ризо Огаҳий каби улуғ ижодкорларнинг бу жанрда яратган сара асарлари катта аҳамият касб этди. Навоий форс тилида 500 га яқин муаммо ёзган бўлса-да, шулардан 373 таси бизгача етиб келган<sup>5</sup>. “Наводиру-ш-шабоб” девонида ўзбек тилида ёзилган 52 та муаммо мавжуд. Бобурнинг нашр қилинган девонларида ҳам 52 та муаммо киритилган. Огаҳий девонлари қўлёзмаларида мавжуд 80 та муаммосидан бирортаси ҳам ҳозиргача нашр қилинган тўпламларига киритилмаган.

Муаммо жанри ва унинг форс ва ўзбек адабиётидаги ўрни ҳақида Е.Э. Бертельс, С.Айний, Ҳ.Олимжон, В.Зоҳидов, И.С.Брагинский, А.Мирзоев, В.Абдуллаев, О.Шарофиддинов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, Э.Рустамов, Л.Зоҳидов, А.Гулшаний, Ж.Жўраев каби тадқиқотчилар изланишлар олиб боришди. Лекин ҳозирги бўлажак адабиётшунослар ва адабиёт мухлислари учун бу жанр таълимига доир бирорта ҳам ўқув қўлланма яратилмаган. Ҳатто, адабиётшунослик атамалари луғатларида ҳам муаммо жанри ечимига оид истилоҳлар изоҳи умуман қайд этилмаган. Ҳолбуки, бу жанрни ўрганиш адабиёт ҳақидаги умумий тасаввурларни мукамаллаштиради. Тўғри, ҳозирги адабиётда бу жанр истеъмолда эмас. Лекин бу энди ундан бутунлай воз кечилди, дегани эмас.

Бу жанрда ижод қилишгина эмас, мавжудларини тушуниш учун ҳам катта тайёргарлик керак. Муаммони тўғри ҳалл қилиш тадқиқотчи ёки ўқувчидан эски ўзбек ёзувини, шунингдек араб ва форс тилларини лоақал бошланғич даражада билишни талаб қилади. Лекин бу муаммони ўрганиб бўлмайди, деган хулосани бермаслиги лозим. Ҳозирги мутахассислик таълими даргоҳларида эски ёзув ҳам, форс ва араб тиллари ҳам маълум даражада ўқитилмоқда. Бу имкониятлар толибларнинг мумтоз адабиётимиз сирларини чуқур ўрганишлари учун етарли шароитни туғдирмоқда.

Сизга тақдим қилинаётган ушбу қўлланма бу соҳадаги илк уриниш бўлгани учун унда баъзи камчиликлар учраши табиий. Шунинг учун қўлланма ҳақидаги мулоҳазалар ва танқидий фикрларни мамнуният билан қабул қиламиз.

<sup>3</sup> Қаранг: Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 13.

<sup>4</sup> Бу таржимага Навоийнинг “Ва чун ин муҳаққар дар ин фан ба мушобиҳаи “алиф” ва “бе” буд, мусаммо бо “Муфрадот” намуд”, деган сўзлари асосдир.

<sup>5</sup> Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 4.

## **Мавзу: МУАММОНИНГ ҚИСҚАЧА ЖАНРИЙ ТАВСИФИ**

### **Режа:**

1. Муаммонинг жанр сифатида шаклланиши ва тараққиёти
2. Муаммо назариясининг ишланиши
3. Муаммонинг ўзига хос жанрий белгилари

**Таянч тушунчалар:** муаммо, жанр, оғзаки ижод, луғаз, чистон, таърих, имло, ҳарф, рақам-сон, абжод, ҳисоби жумал, талмех, шеърий санъатлар, ҳалл, ечим, мисра, байт, адабий мактаб, мавзу.

Адабиётдаги деярли барча жанрлар дастлаб оғзаки ижод шаклида шакллангани кўп бор таъкидланган. Топишмоқлар, савол-жавоб шаклидаги айтишувлар ёзма адабиётга бир оз мукаммаллашиб, мураккаблашиб ўта борди. Яқин ва Ўрта Шарқ мумтоз адабиётида кенг фойдаланилган *луғаз* жанри худди шу тарзда шакллангани шубҳасиз. Лекин ёзма адабиётда баъзи жанрларнинг тараққиёти бошқа, янги жанрларнинг шаклланишига ҳам олиб келади. Бунда асос жанрга бошқа илмий ва адабий тушунчалар ҳам ёрдамга келади. Муаммо жанри учун луғаз асос бўлган бўлса, араб ёзувининг имло, лексика, семантика, грамматика ва абжод қонун-қоидалари ёрдамчи воситалар вазифасини бажарди. Шунингдек, бир оз аввал вужудга келган *абжод* – ҳисоби жумал, араб ҳарфларининг рақам-сон ифодалаш хусусиятларига асосланган *таърих* жанри ҳам муаммонинг шаклланишига замин бўлиб хизмат қилган. *Талмех*, *мақлуби муставий* ва бошқа бир қатор шеърий санъатларни ҳам шу қаторга қўшиш мумкин. Шунинг учун ҳам муаммо жанрини мукаммал тушуниш учун бу фан, жанр ва санъатлардан хабардорлик талаб қилинади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, таърих жанрининг тараққиётига муаммо жанри ҳам таъсир кўрсатган.

Муаммо дастлаб араб адабиётида X – XI асрларда кўзга ташлана бошлаган бўлса-да, форс адабиётида XIV асрда алоҳида жанр сифатида шаклланди. 1392 йилда Бадеш Табризий ўзининг бу фан назариясига бағишланган “Ихё би-илми-л-ҳалли-л-муаммо” (Муаммо ҳалли илмини жонлантириш) асарини яратиши билан бу соҳада катта тараққиёт йўли бошланди. Форсий адабиёт билан яқин алоқада бўлган туркий адабиётда ҳам бу жанр амалий тарзда жуда тез ривожланди. Бунда улуғ Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди катта адабий мактаб ролини ўйнади. Алишер Навоийнинг “Муфрадот” асари форсий ва туркий адабиётда яратилган энг мукаммал асар, қўлланма сифатида шуҳрат тутган эди. Буни форс адабиётининг улуғ намояндаси Абдурахмон Жомий ўз фарзанди таълими учун худди шу асарни танлаганидан ҳам ангалаш мумкин. XIX асрда Хоразмда яшаб ижод қилинган жуда кўп шоирлар муаммо ёздилар. Бунга ана шу икки улуғ ижодкор анъаналарини муносиб давом эттирган Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг гўзал муаммолари сабаб бўлган эди.

Алишер Навоийнинг “Муфрадот” асарида муаммога қуйидагича таъриф берилади: “Муаммо каломест мавзун, ки ҳуруфи исме аз вай ҳосил шавад ба ҳамон тартиб, ки дар исм аст”, яъни муаммо маълум исмдаги ҳарфларнинг тартиб билан ҳосил бўлиши ҳақидаги мавзун бир каломдир. Албатта, мавзун калом шеърни англатади. “Чунонки таъби мавзуни салим ҳусулашро қабул намояд, зехни мустақим ба сихаташ ҳукм фармояд”, яъни берилган шеърдан исмнинг ҳосил бўлишини табиатан мукаммал ақл қабул қилади ва ўткир зехн унинг тўғрилигини тасдиқлайди. Бу таърифдан икки маънони англаш мумкин. Биринчиси, муаммода мақсад қилинган исм учун воситаларнинг бекаму кўст мавжуд бўлиши, иккинчиси, муаммонинг ақл ва зехн чегарасида бўлишидир. Ақл ва зехн чегарасидан ташқари бўлган ҳар қандай масала қўйилган шеър муаммо бўлавермайди. Яъни ақл ва зехн, албатта у етарли билимга эга бўлса, муаммони ўқиганидаёқ унда

яширин исм ҳақида тасаввур олиши лозим. Тасаввурнинг ўзи тўғри жавоб бўла олмайди. Тўғри жавоб фикр юритиш, далил ва исбот келтириш орқали олинади.

Аввал таъкидлаганимиздек, адабиётимизда худди шундай жавоби тафаккур орқали топиладиган жанрлар мавжуд. Хусусан, таърих ва луғаз жанрлари ана шундай мақсад кўзда тутилиб яратилади. Таърих муайян ҳаётий воқеа-ҳодисанинг содир бўлган вақтини, тарихини маълум ҳарфлар орқали белгиланган рақам-сонлар йиғиндисидан бирор йил санасини келтириб чиқаришга асосланади. Бу жанр белгиланган мавзуга мос кичик матн топиб, лоақал унинг ишора қилинган бир бўлаги ажратиб олинганда мақсад қилинган сана келиб чиқиши керак. Алишер Навоий вафоти муносабати билан Соҳиб Доро томонидан яратилган таърих таркиббанд жанри шаклида битилган бўлиб, унинг ҳар бир тоқ мисрасида шоирнинг туғилган ва ҳар бир жуфт мисрасида унинг вафот этган санаси ҳарфлар ҳисобига мос тарзда яратилган. Худди шундай, 1864 йилда Хева тахтига чиққан иккинчи Муҳаммад Раҳимхон Ферузни шарафлаш учун Муҳаммад Назар Мунший томонидан ёзилган тўққиз байтдан иборат ғазалнинг ҳар бир мисраси ҳижрий 1281 санани ифодалайди. Улар бу жанрнинг сара намуналаридир. Умуман, бу жанр адабиётимиз тарихида жуда катта салмоққа эга бўлиб, фақатгина ҳарфнинг сон-рақам ифодалаш хусусиятига асосланиб яратилади.

Луғаз жанри эса мавзуси бир қадар кенг бўлиб, исталган нарсани хоҳ ижобий, хоҳ салбий талқинда номини айтмасдан бадий тасвирлаб беришга асосланади. Уни форслар ўз тилларида *чистон* деб ҳам атаганлар. Бу жанрнинг асоси танланган объектнинг белги қирралари иложи борича кўпроқ топилиши ва таъсирли ифодаланишидан иборат. Унда таъкидланган ҳарф, лафз ва уларга ишора мазмуни акс этмайди, балки шеър матнининг умумий мазмунига эътибор қаратилади.

Бинобарин, муаммо топишмоқ, луғаз ва таърих жанрларидан кескин фарқ қилувчи ўзига хос яратилиш, ҳалл – ечим илми ва тизимига эга жанрдир. Одатда, математик-риёзиёт фанларида таълим олувчи учун бирор масала ёки мисол ечилишидан олдин жавоби тақдим қилинади. Ана шу жавоб қандай қилиб чиқарилишига қараб ечувчининг баҳоси аниқланади. Муаммо жанрида ҳам жавоби маълум шеър тақдим қилинади, бу жавобни қандай аниқлаш ўқувчига қолдирилади. Бунда ҳам худди риёзиётда бўлганидек, муаммо фақат бир йўл билан ечилмайди, керакли йўл тафаккур билан ахтариб топилади.

Зеро, муаммо яратилишида ҳар бир сўз алоҳида шакл ва мазмун нуқтаи назаридан эътибор марказида туради. Улар албатта икки маънога эга бўлиши шарт. Бу икки маъно: 1) мавзу нуқтаи назаридан мантиқий яхлит мазмунни таъминлашдаги иштироки ва 2) мавзуга хизмат қилувчи имловий ва луғавий имкониятларга эга бўлишидан иборат. Алишер Навоийнинг машҳур бир муаммосини ана шу икки маъно нуқтаи назаридан таҳлил қилайлик:

*Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур, яхшилик била чиқса от.*

Матнда иштирок этган ҳар бир сўз унинг мантиқий мазмун яхлитлигига хизмат қилган. Зеро, бу ҳаёт гулшани – оламда бақо гулига – боқий яшашга имкон йўқ, яшамок имкони берилганда яхшилик билан ном чиқара олмоқ ўша имконсизлик ўрнини тўлдирувчи ажойиб саодатдир. Ана шу мантиқдан ташқари ёки уни очишда камлик қилаётган бирор сўз йўқ. Нисбатан нофаол кўринган “сабот” сўзига диққат қаратадиган бўлсак, у “яхшилик билан чиқса от”га қофияни таъминлаш билан бирга бу саодат учун катта сабр-тоқат ва матонат кераклигига далолат қилади.

Муаммо биргина исмни аниқлашга қаратилар экан, унга шеърдаги ҳамма сўзлар бирдай аҳамиятга эга бўлмайди, *баъзилари энг зарур, баъзилари зарур ва баъзилари ишора учунгина зарурлик қийматига эга бўлади*. Чунончи, келтирилган муаммода “саодат” ва “от” – энг зарур, “чиқса” – зарур, қолганлари ишоравий аҳамиятга эга сўзлардир. “Гулшан”нинг ичида “гул” борлиги мантиққа ҳам имлога ҳам мос. “Гулшан” сўзи таркибидан “гул” ажратиб олинганда ҳам, “шан” (гўзаллик) қолади. Лекин “гул”га сабот йўқ, яъни бу шеър муаммо бўлгани учун мутлақ эътибор “гул”га эмас, “гулшан”гадир.

Булардан хулоса қилиб, зарур сўз “чикса”нинг ишораси билан “саодат”нинг таркибида бўлган “о” ва “т” ҳарфлари чиқарилиб, қолган “сада” қисми араб имлоси бўйича ўқилса, “Саъд” исми ҳосил бўлади.

Демак, муаммони ўрганишда ундаги ҳар бир сўзга эътибор қаратилиши лозим.

#### ***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Муаммонинг жанр сифатида шаклланишида қандай омиллар таъсири бор?
2. Муаммо қандай жанрларга яқин туради? Фарқлари нимада?
3. Муаммонинг қайси шеърӣ санъатлар билан ўхшашлиги бор?
4. Муаммо қачондан бошлаб шеърӣ жанр сифатида эътироф қилинган?
5. Муаммо назариясига бағишлаб яратилган асарларни тавсифланг.
6. Муаммонинг жанрӣ белгилари нималардан иборат?

### **Мавзу: ҲАЛЛ ВА УНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

#### **Режа:**

1. Муаммо моддасини аниқлаш
2. Муаммо ҳалли тушунчаси
3. Ҳаллнинг асосий қоидалари

***Таянч тушунчалар:*** муаммо моддаси, ишора, қисм, аъмол, тасҳилӣ, таҳсилӣ, такмилиӣ, амал, қоида, тарик, услуб, босқич, даража.

Аввалги машғулотда таъкидланганидек, муаммони ечишда эски ўзбек ёзуви, араб ва форс тиллари, шунингдек, илми бадеъ талаб қилинади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, муаммодаги ҳамма сўзлар бирдай аҳамиятга эга бўлмай, баъзилари энг зарур, баъзилари зарур ва баъзилари ишора учунгина зарурлик қийматига эгадир. Ана шу энг зарур ва зарур қийматга эга бўлган сўзлар муаммони ўқиш жараёнида аниқланади. Муаммодан энг аввал тақдим этилган жавоб-исмга шаклан ўхшаш сўз ахтарилади. У топилмаса, қайси сўзга ишора қилинган бўлса, ўша сўзнинг маънодоши араб ёки форс тилларидан бўлса ҳам топиб солиштирилади. Бундай сўз ҳам бўлмаса, ишорага кўра, маълум ҳарфлари ёки қисмлари йиғиб жавобга мослаштирилиши мумкин сўзларга диққат қаратилади. Баъзи муаммоларда сон туркуми билан шаклдошлик хусусиятига эга отлар энг зарур сўзга айланади. Ана шуларга ўхшаш сўзлар “муаммо моддаси” ёки “исм моддаси” ҳисобланади. Баъзан муаммо моддаси тескари ўқилиши натижасида, шунингдек, арабий нуқтали ҳарфлари нуқталарини тушириш ёки ўрни ва сонини алмаштириш орқали жавобга мос келиши мумкин сўзлардан ҳам ташкил топиши мумкин. Бундай хусусиятларига кўра, бир муаммода фақат битта эмас, бир нечта сўздан иборат модда бўлиши ҳам мумкин.

Муаммо моддаси аниқлангач, у маълум қоидалар асосида текширилади ва жавоб исботланади. Бу жараён “муаммо ҳалли” деб аталади. Муаммо назариясига оид адабиётларда кўрсатилишича, ҳалл қоидалари дастлаб уч қисмга бўлинади. Аъмоли тасҳилӣ (осонлаштириш аммаллари), аъмоли таҳсилӣ (ҳосил қилиш амаллари) ва аъмоли такмилиӣ (мукаммаллаштириш амаллари). Бу “қисм”лар амаллар гуруҳларини англатади. “Амал” истилоҳи ўрнида “қоида”, “тарик” каби атамалар ҳам қўлланади.

Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, муаммо ҳалли қоидаларининг уч қисмга бўлиниш сабаби, ўрганишнинг маълум босқич, даражасини ҳам назарда тутати. Бу илмда тасҳилӣ қоидалар нисбатан энгил ҳисобланади. Шунинг учун муаммо таълими дастлаб уларни ўрганишдан бошланади. Муаммо ҳаллида таҳсилӣ амалларга энг кўп мурожаат қилинади. Тасҳилӣ ва такмилиӣ амалар уларга нисбатан камроқ истифода ҳудудини

ташкил этади. Лекин бу амалларнинг биринчисига нисбатан иккинчиси, иккинчисига нисбатан учинчиси мураккаброқдир. Бу қараш ўз навбатида муаммоларни ана шу уч босқичда ўрганиш тамойилига асос бўлади. Лекин бу уч қисмни ҳам ўрганмасдан муаммони мукамал тушуниш ва ечиш мумкин эмас.

Бинобарин, мазкур уч қисм амаллар ўз навбатида бир неча хилдаги қоидаларга (тариқларга) ва бу қоидалар турли услубларга бўлинади. Мазкур уч қисмда муаммошунослар жами 15 хил қоида ва 48 хил услубни санайдилар.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Муаммо ёки исм “моддаси” нима?
2. “Муаммо ҳалли” деганда нимани тушунаси?
3. Ҳалл қоидаларини тавсифланг.
4. Муаммога доир амал, аъмол, тариқ, қоида ва услуб истилоҳларини тавсифланг.

***Мавзу: АЪМОЛИ ТАСҲИЛИЙ***

***Режа:***

1. Аъмоли тасҳилий баёни ва таркиби
2. Интиқод амали
3. Таҳлил амали
4. Таркиб амали
5. Табдил амали

***Таянч тушунчалар:*** аъмол, тасҳил, интиқод, таҳлил, таркиб, табдил, услуб

“Аъмол” арабча сўз бўлиб, “амал”нинг кўплик шаклидир, унинг луғавий маъноси “бажарилувчи ҳаракат”. “Тасҳил” ўзбек тилида “осонлаштириш”, “енгиллатиш” маъносига эга. Шулардан келиб чиқиб, муаммо амалиётининг биринчи босқичи – аъмоли тасҳилий – енгиллатувчи амаллар деб аталади. Бу бир неча амаллар гуруҳидан иборат бўлиб, улар интиқод, таҳлил, таркиб ва табдил қоидаларидан иборатдир. Бу қоидалар ўзига хос услублар асосида амалга оширилади. Чунончи, интиқод қоидаси 1) бир неча сўздаги биринчи ҳарфларни саралаш; 2) бир неча сўздаги охирги ҳарфларни саралаш; 3) иккаласини бирга саралаш; 4) бир неча сўздаги ўрта ҳарфларни саралаш; 5) бир неча сўздаги биринчи ва ўрта ёки охирги ва ўрта ҳарфларни бирга саралаш; 6) бир сўзнинг биринчи ва охирги ҳарфларини саралаш; 7) тартиби билан саралаш; 8) сўз боши ёки охирдан иккитадан ҳарф саралаш; 9) маълум сўзлар воситасида ҳарф саралаш; 10) ўрта ҳарфларнинг ҳаммасини олиш; 11) бирор сўздан кўп ва бошқа сўздан бир ҳарф саралаш услубларини бирлаштиради. Таҳлил қоидаси шеърий маъноси содда ва муаммолик маъноси мураккаб бўлган муаммоларни ечиш услубидир. Таркиб таҳлилнинг акси, яъни шеърий маъноси мураккаб ва муаммолик маъноси содда услубга асосланган қоида. Табдил қоидаси 1) ҳарфни бошқа ҳарфга ўзгартириш ва 2) икки қисмни бошқа икки қисмга бадал қилиш услубларига асосланади.

**Интиқод** (ҳарф саралаш) қоидасида муаммодаги маълум ишорага асосан ҳарфлар саралаб олинади. Бунда “аввал”, “тепа”, “уст”, “юз”, “бош”, “тож”, “баланд”, “ўт” каби сўзлар билан ишора қилинган бўлса, сўзнинг биринчи ҳарфи ажратиб олинади.

Навоийнинг **“Қосим”** номига ёзган муаммоси:

*Рухсораси узра, эй кўнгул, хол недур,  
Зулфи оёғи остида помол, недур,  
Қани ани кўрган сени кўрса, мени ҳам-*

*Ким, оҳимдин айру элга аҳвол недур.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “қани”, “ани”, “сени”, “мени” калималаридир. “Қани”нинг юзи “қоф” – “қ”, “ани”нинг юзи “алиф” – “о”, “сени”нинг юзи “син” – “с”, “мени”нинг юзи “мим” – “м” ҳарфи. Таркиб топса, “Қосим” бўлади. Унда “и”га ишоранинг йўқлигини араб тилида қисқа унлиларнинг ёзилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

“Охир”, “нихоят”, “оёқ”, “этак”, “сўнг”, “қуйқум”, “дурда” каби сўзлар билан ишора қилинган бўлса, сўзнинг охириги ҳарфига диққат қаратилади.

Огаҳийнинг “Одам” номига ёзилган муаммоси:

*Киши топгай муродини келиб ҳар ишни қилса ўнг,*

*Фанову фақр йўлида балову дарду ғамдин сўнг.*

Муаммода “бало”, “дард” ва “ғам” сўзларидан кейин “сўнг” сўзини қўллаш орқали мазкур сўзларнинг охириги ҳарфлари олиниши таъкидланмоқда. Шундай қилинса, муродга етилади. Демак, мазкур сўзларнинг охириги ҳарфлари (“бало”дан – о, “дард”дан – д, “ғам”дан – д)ни бир-бирига бириктирсак, “Одам” исми ҳосил бўлади.

Агар ишора “ўрта”, “бел”, “юррак”, “дил” каби сўзлардан бўлса, сўз ўртасидаги ёлғиз ҳарф (баъзан ҳижо)га мурожаат қилинади:

Навоийдан “Довуд” номига муаммо:

*Ўт тушти дуди аро фурқатидин,*

*То куйдию ўртанди кўнгил ҳирқатидин.*

Ҳал қилиш: “ўт” “дуд”нинг ўртасида тушса ва “ўт”даги “те” ҳарфи ёнса ҳамда ҳосил бўлган сўзда иккита “вов” ҳарфи пайдо бўлиб қолгани учун унинг кўнгли – дили бўлган бир “вов” ҳарфи ҳам ёнса, “Довуд” исми ҳосил бўлади.

Муаммода “қирғоқ”, “чекка”, “тараф”, “бўй”, “лаб” каби сўзлар келса, олдинги ёки охириги ҳарф, “тарафайн”, “атроф”, “икки томон”, “икки ён”, “қирғоқлар”, “чеккалар”, “тўн”, “пўст”, “қин” каби сўзлар ишорасида иккала томондаги ҳарф, “диллар”, “беллар”, “мағз” каби сўзлар қўлланган бўлса, ўртадаги ҳарфлар олинишига далолат қилинади:

Навоийнинг “Латиф” номига ёзган муаммоси:

*Саф чекти ҳар тараф юзидан киприк, эй кўнгул,*

*Ул шакли кўруб хираду сабрдан тўнгул.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “саф”, “тараф”, “кўнгул”, “юз”дир. Муаммода “ҳар тараф” ишораси ҳарфларни фақат бир томондан эмас, турли томондан олишга ишора қилади. Чунончи, “кўнгул”нинг тарафи “лом” ҳарфи, “тараф”нинг тарафи “то” ҳарфи, “юз”нинг тарафи “йо” ҳарфи ҳамда “саф”нинг тарафи “фе” ҳарфидир. Мазкур ҳосил бўлган ҳарфлар тартиб билан жамъ қилинганда “Латиф” исми ҳосил бўладур.

**Таҳлил** (қисмларга ажратиш) қоидасида маълум сўз ишорага кўра икки ёки ундан ортиқ жузвга ажратилиб ибора шаклида ўқилади ва ном ҳосил қилинади Масалан, миръот – мир от, гўшам – гў шам, гардони – гар дони кабилар<sup>6</sup>.

Навоийнинг “Тақи” номига муаммоси:

*Мустақим эрди кўнгул ишқида, эй оромижон,*

*Ўртанур ул мустақим эмди ғамидин ҳар замон.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “мустақим”. Бу калима “мус-тақи-мим” шаклида таҳлил қилинса, уч жузвга бўлинади. Биринчи (мус-) ва учинчи (-мим) жузвлар ўртанса – ёниб кетса, яъни олиб ташланса, “Тақий” исми қолади.

**Таркиб** (бириктириш) қоидасида бирон сўзнинг шеърий маъноси мураккаб бўлса, унинг муммолик маъноси ёлғиз олинади. Бунда ишорага кўра асосий мақсад маънога қаратилган бўлади. Масалан: “қаҳр юзидин” дейилган бўлса, “қаҳр”нинг юзи яъни “қ” ҳарфи тушунилади ёки “кўз ёшимнинг устида” дейилган бўлса, “кўз ёшим”нинг усти “к” ҳарфи олинади.

“Боқий” ва “Боқир” номларига Навоий муаммоси:

<sup>6</sup> Қоидалар изоҳи қаторида келаётган шу ва шунга ўхшаш мисоллар Л.Зоҳидовнинг мазкур рисоласидан олинди.

*Жаннат гулию насринига бўлсанг муштоқ,  
Гаҳ ёр юзига, гаҳ кафу пойига боқ.*

Ҳал қилиши: исм моддаси “боқ”. Ишорага кўра, “ёр юзига” боқилиб, “йо” ҳарфи “боқ”га таркиб топса, “Боқий”; “ёр”нинг “кафу пой”и – “ре” ҳарфи “боқ”га таркиб топса, “Боқир” исми ҳосил бўлади.

**Табдил** (ўзгартириш) қоидасида ишорага асосан сўзнинг бирор ҳарфи ёки маълум қисми бошқа сўз ёки иборага ўзгартирилади.

Навоийнинг “Шоҳ” номига ёзган муаммоси:

*Жон қуши чу бўлди донаи холига зор,  
Шод ўлдию ҳалқа айлади зулфини ёр.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “шод”, “ҳалқа” ва “зулф” сўзлари. “Зулф” дейилганда кўпроқ “дол” ҳарфи назарда тутилади. Агар “шод” сўзидаги “дол” ҳарфи ўзини ҳалқа қилса – “хе” ҳарфига айлантурса, яъни “дол” ҳарфи “хе” ҳарфига табдил топса, “шод” сўзи “шоҳ” тарзида ўқилади.

“Озод” исмига Бобур ёзган муаммо:

*Безор бўлди кўнглум, озурда қилди чун ёр,  
Безор бўлгай ондин озор топса ночор.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “озор”, “кўнгил”. Лекин “кўнгил” ўрнида “дил” тасаввур қилинади. “Безор”даги “зор”нинг маъноларидан бири “суяк”дир. “Дил” сўзидаги суякка ўхшаш қисм “лом” ҳарфидир. Демак, “дил” сўзидан факт “дол” ҳарфи қолади ва “ночор”, яъни охириги ҳарфсиз “озор” (“озо”)га қўшилади. Шунда “Озод” исми ҳосил бўлади.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. “Аъмоли тасҳилий” истилоҳи нимани англатади?
2. Аъмоли тасҳилий қоидаларининг умумий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Интиқод амали нима?
4. Таҳлил амалини тушунтиринг.
5. Таркиб қоидаси қандай хусусиятларга асосланади?
6. Табдил амалининг белгилари нималардан иборат?

## **Мавзу: АЪМОЛИ ТАҲСИЛИЙ**

**Режа:**

1. Аъмоли таҳсилий баёни ва таркиби
2. Тансис ва таҳсис амали
3. Тасмия амали
4. Талмеҳ амали
5. Тародиф ва иштирок амали
6. Киноят амали
7. Тасҳиф амали
8. Истиора ва ташбеҳ амали
9. Ҳисоб амали

**Таянч тушунчалар:** таҳсил, тансис, таҳсис, талмеҳ, тародиф, муродиф, иштирок, киноят, тасҳиф, истиора, ташбеҳ, ҳисоб, абжади кабир, абжади сағир.

Аъмоли таҳсилий 8 га, яъни тансис ва таҳсис (очиқ ва махсус қилиш), тасмия (номлаш), талмеҳ (ишора қилиш), тародиф ва иштирок (мосини ва ўхшашини олиш),

киноят (яшириш), тасҳиф (ёзувда хато қириш), истиора ва ташбеҳ ҳамда ҳисоб қоидаларига бўлинади.

**Тансис ва таҳсис** қоидада муаммо назмида яширинган ном бирор йўл билан ошкор қилинади ёки исм шаклидаги маҳсус сўз келтирилади. Бу қоидада ном қисмларини тартибли ва тартибсиз ошкоро қилиш услублари қўлланади. Масалан, “дилим ором олади” дейилса, “дил” сўзи “ором” сўзига қўшилади ва Дилором номи ҳосил бўлади.

Навоийдан “Шукриллоҳ” номига муаммо:

*Қаро эрди кўзум ҳажрингдин, эй моҳ,  
Яна кўрдум юзингни, шукри лиллоҳ.*

Ҳал қилиш: бу тарсеъ услубида – тартибли тарзда ошкор қилинган, яъни “шукри лиллоҳ” бириктирилиб, “Шукруллоҳ” исми ясалади.

**Тасмия** қоидада араб алифбосидаги ҳарфлар номидан бўғин сифатида фойдаланиш ва исм таркибидан ҳарф номини олиш услубларига асосланади. Масалан, “Карам юзидин ёр ораз кўрсатди” дейилса, “карам” юзидаги “к” ҳарфининг номи “коф”га ёрнинг юзи “йо” ҳарфи қўшилиб, **Кофий** исми ҳосил бўлади. Ёки “Шоҳ адолатдан дилларни олди” дейилса, “Шоҳ” сўзи “адолат” сўзининг диллари – “дол” ҳарфини олади ва “Шоҳид” исми ҳосил бўлади.

Бобурнинг “Соид” исмига ёзган муаммоси:

*Тийги жафони кимга десанг аҳли ҳолдур,  
Бошига синдурур бути безътидолдур.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “эътидол”. Лекин унинг бошида “син”дурур (туради) ва “бути” – бу “ти” (“те”) адолатни бузувчидир. Демак, “эътидол” сўзининг бошига “син” ҳарфини қўйиш, ўртадан “те”ни тушуриш ва охиридаги “дол” қисмини бир ҳарф номи сифатида тушуниб, мазкур ном остидаги ҳарфнинг ўзинигина қолдириш билан яширилган “Соид” исми ҳосил бўлади.

**Талмеҳ** қоидада ҳаммага маълум ва машҳур бўлган бир ё бир неча ҳарфларга, сўзларга, тарихий воқеа ва афсоналарга ишора қилинади. Шунингдек, бу қоида сайёралар, буржлар, йил ва ой номларини ҳам ўз ичига олади. Алишер Навоий сайёралар номини қуйидагича келтиради: “Қамар асту Уториду Зухра, Шамсу Мирриху Муштарию Зухал”. Унинг таъкидлашича, муаммошунослар сайёраларнинг охириги ҳарфи билан белгиланишига иттифоқдадирлар: Қамар – р, Уторид – д, Зухра – а (х), Шамс – с, Миррих – х, Муштарий – й, Зухал – л. Ҳафта кунларининг номи айтилса, улар *абжад* алифбо тартиби бўйича ҳарфларни англатади: якшанбани – алиф, душанба – б, сешанба – ж, чоршанба – д, пайшанба – х, жума – в (у, ў), шанба – з. Уларга тегишли бўлган сўзларнинг ҳам кўпинча охириги ҳарфлари белгиланади: юксаклик маъносида келган “шараф” сўзидан – ф, тез пастлаш маъносида келган “ҳубут” сўзидан – т, кун маъносидаги “явм” сўзидан – м, кундуз маъносидаги “наҳор” сўзидан – р, қоронғу кеча маъносидаги “лайл” сўзидан – л ҳарфлари олинади. Буржлар номида ҳамал – м, савр – алиф, жавзо – б, саратон – ж, асад – д, сунбула – х, мезон – в (у, ў), ақраб – з, қавс – ҳ, далв – т, жадий – й (и), ҳут – йо ва алиф – ё билан белгиланади. Масалан, “қоронғи кечада Миррих кўринди” дейилса, “Миррих”даги х ҳарфи олиниб, кеча ёки “лайл”га қўшилади ва Халил номи ҳосил бўлади. Ёки “Зулумотга обиҳаёт ахтариб бориб топа олмади” дейилса, Искандар номига ишора бўлади.

Бобурнинг “Иброҳим” исмига ёзган муаммоси:

*Неча отини эшитгач, оҳ уриб ўздин кетай,  
Оқибат бош борғусидур, Бобур, оҳимдин нетай?*

Ҳалл қилиш: Ислом оламида Иброҳим пайгамбарнинг исми машҳурдир. Иброҳим а.с. Аллоҳ номини эшитганда ва Муҳаммад а.с. Иброҳим номини эшитганда “оҳ” тортгани кўп ривоятларда келади. Шунинг ўзиданоқ муаммо Иброҳим исмига айтилгани маълум бўлади. Қолаверса, “Бобур”нинг боши – “Б” туширилиб, қолган қисмига “оҳим” қўшилса, эски ўзбек ёзувида “Иброҳим” исми ҳосил бўлади.

**Тародиф ва иштирок** қоидасида исм моддаси бўлган бир маъно мавзуига доир сўзлар ўз маънодошлари ёки зидмаънолилари билан ҳалл доирасига олиб кирилади. Яъни муаммодаги ҳал қилувчи сўз маъно мавзудаги бошқаси билан алмаштирилади. Бунда туркий, арабий ва форсий тиллари сўзлари чегараланмайди. Чунончи, “шамс”, “қуёш”, “меҳр”, “офтоб” каби сўзлар бир хил, “ой”, “қамар”, “моҳ” каби сўзлар ҳам бир хил маънони билдиради. Шунингдек, бир “айн” сўзининг ўзи “кўз”, “қуёш”, “булоқ” каби турли маъноларда келиши мумкин. Бундай маъно муносабатига кўра алмаштирилаётган сўз *муродиф* деб аталади. Масалан, “Ойимнинг юзи офтобга айланди” дейилган бўлса, ой ўрнига “қамар” олинади. Унинг юзи ёки “қоф” ҳарфи “офтоб”га, яъни “айн”га айланса, Умар исми ҳосил бўлади.

Навоий муаммоси, “Самуд” номига:

*Танимда доғлар узра гамингки, ўртади доғ,  
Кўринди ўзгача ул доғдин танимда фароғ.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “кўринди”. Бу сўзнинг муродифи “намуд”дур. “Намуд” устида яна доғлар – нуқталар пайдо бўлса, сўз бошидаги “нун”нинг нуқтаси учта бўлиб “Самуд” исмини келтириб чиқаради.

**Киноят** амали икки қисмдан иборат. Биринчиси, муаммода исм лафзи зикр этилмайди, балки исмга доир мавзу, унинг машҳур сифати ёки фазилати тилга олинади. Иккинчиси, муаммода қасд этилган исмга ўхшаш бир сўз айтилиб, ундан бошқа мақсад кўзда тутилади. Лекин бунда талмеҳ зоҳир бўлмаслиги керак. Масалан, “Фозил – доноларнинг номини яхшироқ ўқи ” дейилган бўлса, Фозил сўзи арабча қиёсий даражада ўқилади ва Афзал исми ҳосил бўлади.

“Яъқуб” исмига Шайх Аҳмад Тарозий келтирган муаммо:

*Уқубатни ниҳоятсиз қилур ул бевафо бизга,  
Агарчи ё қилур барсар бу ҳижрон ўти жонимга.*

Ҳалл қилиш: муаммода Яъқуб пайғамбарга киноя бор. Маълумки, айнан Яъқуб а.с. ҳижрон уқубатини энг кўп тортган зот сифатида машҳур. Лекин муаммо муаллифи киноятнинг ўзи билан чекланмаган, уни бошқа амаллар билан ҳам ҳалл қилиш имконини яратган, унга кўра, исм моддаси “уқубат”. Бу сўзнинг биринчи ҳарфи заммали – “у” қисқа унлисига эга “айн”дир. Сўз ниҳоятсиз қилинса, “уқуб” бўлади. “Барсар” – бошида “ё” (“йо” – й) ҳарфини фатҳа – қисқа “а” билан қўйиш ва “айн”ни сокин – унлисиз ҳолга келтириш билан “Яъқуб” исми ҳосил қилинади.

Киноятнинг иккинчи услубига Навоий “Хон” номига ёзган муаммо қуйидагича:

*Онки бо лаъли лаби жонбахш жонони ман аст,  
Чун намояд холи мушкин зери лаб жони ман аст.*

Муаммонинг ўзбекча варианты тахминан шундай бўлади:

*Улки, лаъли лаблари жонбахш жононимдадур,  
Лаблари остида чўгдек холдин ўт жонимдадур.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “жон”. “Чўғ” ва “ўт” сўзлари биринчи ҳарфнинг устини англатади. Бинобарин, “жон”нинг лаби “жим” ҳарфи остидаги “хол” – нуқта мазкур ҳарф – “жим” асосининг устига қўйилса, “хо” бўлади ва “Хон” исми чиқади.

**Тасҳиф** қоидасида муаммо назмидаги имо-ишорага кўра, исм моддаси бўлган сўз ҳарфлари нуқталари ўзгартирилади. Баъзан улар олиб ташланиши ёки уларга нуқталар қўшилиши мумкин. Бу ишора асосан “сурат”, “нақш”, “шакл”, “намуна”, “мисол”, “қатра”, “дона”, “хол”, “дур”, “ашк”, “гавҳар” каби махсус сўзлар воситасида билдирилади. Масалан, “Хум устидаги гиштни майхона йўлига қўй ” дейилса, хум сўзидаги хо ҳарфининг нуқтаси олиниб (“хам” ясалиб), “йўл” – “рах” сўзидаги “р” ҳарфининг устига қўйилса ва улар бириктирилса, “Ҳамза” исми ҳосил бўлади. Ёки “Ёрга кўзимни суртсам унинг бир томонида кўз қорачиғим, иккинчи томонида кипригим қолди ” дейилган бўлса, “ёр” сўзининг бир томонидаги кўз қорачиғи – нуқта “р” ҳарфининг устига, иккинчи томондаги киприк – “алиф” бўлиб, сўзнинг бошига қўйилади ва “Аёз” исми ҳосил қилинади.

Навоийнинг “Зиё” номига муаммоси:

*Гул авроқин сабо қилди паришон,  
Қабул этди нечаким, топди имкон.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “сабо”. “Сабо”ни тасҳиф қилинса, яъни “сабо”нинг “сод” ҳарфи устига нуқта берилса, “зод” бўлади. Мазкур сўз “забо”га айланади. Кейин бу сўзнинг “бе” ҳарфи нуқтасига тағйир бериб, икки нуқта қўйилса, “бе” ҳарфи “йо”га айланади. Натижада мазкур сўз – “забо” “Зиё” исмига айланади.

**Истиора ва ташбеҳ** қоидасида бирор сўз айтилиб, ҳарфларнинг ўхшашлигини ҳисобга олган ҳолда ўша сўздан бир ёки бир неча ҳарф олинади. Масалан, “Зулфингга юзинг куёшини кўрсатганинда, меҳр устига меҳр орттирдинг” деганда “зулф” сўздан мақсад унинг ўхшаши “дол” ҳарфидир. Унга биринчи “меҳр” “айн” ҳарфи ва иккинчи “меҳр” – “шамс”дан талмеҳ қоидасига асосан “син” ҳарфи орттирилса, Саъд исми ҳосил бўлади.

Масалан, Навоийнинг “Хисрав” номига ёзган муаммоси:

*Ул ниҳолеким, қадингга шабеҳ йўқ андоқ ниҳол,  
Бошида кўргузса юз, хуршид ўлур сандин мисол.*

Ҳалл қилиш: бу ерда “ниҳол”ни “сарв” деб тушуниш керак. Агар “сарв”нинг бошида “хуршид”нинг юзи бўлган “хе” ҳарфини кўргузилса, “Хисрав” исми ҳосил бўлади.

Бобурнинг “Нуъмон” исмига ёзган муаммоси ҳам бунга мисол бўла олади:

*То бор холи гул, узори гул сиймтанам,  
Ҳар ён гулдек чокдурур пираҳанам,  
Ўлсам кўзу оғзию қади ёди била,  
Чок ўлғуси кўнглак киби ҳар ён кафанам.*

Ҳалл қилиш: гул – лола, у кўйлак ва “нун”га, хол “нун”нинг нуқтасига ташбеҳ. Кўз – “айн”, оғиз – “мим”, қад (қомат) – “алиф” ҳарфларига истиора, бу уч ҳарф бириктирилиб, “ҳар ён” ишорасига кўра, уларнинг икки томонига “нун” ҳарфларини қўйиш билан “Нуъмон” исми келтириб чиқарилади.

**Ҳисоб** амалини муаммошунослар беш услубда амалга оширилишини таъкидлаганлар. Улар: 1) исмий (муаммо исмининг сон ифодаланиши ва муаммода ўша соннинг миқдори бошқа шаклда келтирилиши. М., Воҳид – бир); 2) ҳарфий (ҳарф орқали сонга ишора); 3) ақсоий (чегараланган: яширилган исмнинг бир қисмини ҳисоб билан топиш); 4) инҳисорий (машҳур рақамлардан фойдаланиш. М., фалаклар – 9, буржлар – 12); 5) рақамий (сон-рақам ифодаловчи сўзлардан фойдаланиш). Умуман, ҳисоб қоидасида бирор сон кўрсатилиб, унинг номи олинади ёки бирор сон номи айтилиб, унинг ҳарфий кўриниши олинади. Турли ҳарф ёки сўзларнинг абжад ҳисобидаги сон-рақам қийматига нисбати эътибори, шунингдек, халқ орасидаги сон ифодасига шаклдош сўзларга ишора қилиниши бу қоиданинг асосидир. Масалан, “Юзим билан юзинг шундай висол топсинки, ораларида хату холингдан бошқа нарса бўлмасин” дейилса, биринчи юз тожик тилида сад, иккинчи юз абжад ҳисобида қоф ҳарфи, уларнинг ораларидаги хат ва хол эса йо ҳарфи бўлиб, таркиб топса Сиддиқ исми ҳосил бўлади.

“Хазойину-л-маоний”дан “Носир” номига муаммо:

*Кўрунса кўзга ногоҳ ул ой,  
Кўзум ҳайрон қолур юзига эй вой.*

Ҳал қилиш: “Носир” ҳарфларининг адади – сон-рақам миқдори 341 га тенг. Муаммода “ой”га урғу берилмоқда: аввал оининг ўзи, кейин унинг юзи кўринишига ишора қилинмоқда. Шунинг учун “ой”нинг муродифи “қамар”ни абжад ҳисобида текшираемиз. Натижа 340 сонига тенг. Кейин “ой”нинг юзи “алиф” бир сонини англатишини ҳисобга олиб, уни 340 га қўшамиз. Ниҳоят, Носир исмининг сон-рақам адади чиқади.

“Холид” номига муаммо:

*Нуқтаи мушкинки, ул юз узра бўлмиш жилвагар,  
То ҳисобин англасун эл, юз ёшур, эй сиймбар.*

Ҳалл қилиш: “нуқтаи мушкин” “хол”нинг истиоравий ифодасидир. Муаммонинг иккинчи мисраси “То” ҳисобин англасун” ишораси билан бошланмоқда. Бунга кўра, “те” ҳарфининг сон-рақам ҳисоби аниқланади, бу – 400 га тенг. Лекин бу ададни аниқлашнинг ўзи бизни қаноатлантирмайди. Муаммошунослар бизга бундай ҳарфининг номи айтиб қўйилган адад топилганда уни ё йириклаштириб, ё кичрайтириб текшириб кўришни тавсия қиладилар. Йириклаштириб ҳисоблаш *абжади кабир*, кичрайтириб ҳисоблаш *абжади сағир* деб аталади. Ана шундай абжади сағир ҳисобига кўра, 400 адади 4 га айлантирилади ва бу “дол” ҳарфининг ададидир. Бинобарин, “хол”дан сўнг “дол” ҳарфи қўйилса, “Холид” исми ҳосил бўлади.

**Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. “Аъмоли таҳсилий” истилоҳини шарҳланг.
2. Тансис ва таҳсис амаллари нега бирга саналади?
3. Тасмия амали нимага асоланади?
4. Талмеҳ амалини қандай шарҳлайсиз?
5. Тародиф ва иштирок амалларида қандай умумийлик бор?
6. Ҳисоб амали қандай услубларга асосланади?

**Мавзу: АЪМОЛИ ТАКМИЛИЙ**

**Режа:**

1. Аъмоли такмилий баёни ва таркиби
2. Таълиф амали
3. Исқот амали
4. Қалб амали

**Таянч тушунчалар:** такмил, исқот, қалб, талмеҳ, муродиф,

Аъмоли такмилий учга, яъни таълиф (улаш), исқот (ташлаб юбориш) ва қалб (тескари ёки ўзгартириб ўқиш) қоидаларига бўлинади.

**Таълиф** муаммода келтирилган сўзлар ёки уларнинг қисмларини ишорага кўра бирига улашни, бириктиришни талаб қилувчи қоидадир. Масалан: “терлаган юзинг сув ичгандан сўнг очилган гулга ўхшайди” дейилган бўлса, гул сўзи очилиб, яъни икки ҳарфга ажратилиб, унинг ичига сув – араб тилида мо киради ва Камол исми ҳосил қилинади.

“Хазойину-л-маоний”дан “Тоҳир” номига муаммо:

*Гирихин туррадин то очти моҳим,  
Паришон қилди они филҳол оҳим.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “турра”, “оҳим” калималаридир. “Турра” сўзининг имло шакли “то”, “ре” ва “хе” (“ҳо-йи ҳавваз”) ҳарфларидан иборат. “То” билан “ре”нинг ўртаси очилиб “оҳ” калимаси қўшилса ва “ре”дан кейинги “хе” четлаштирилса ёки мазкур “то”дан кейин “оҳ”нинг “алиф”и киритилиб, кейинги икки ҳарф “паришон” қилинса, яъни уларнинг ўринлари алмаштирилса, “Тоҳир” исми ҳосил бўлади.

“Толиб” номига муаммо:

*Оғиз лабига чу қўйдим, яна талаб қилойин-  
Ки, гайр нақши ким ўлгай, яна тараб қилойин.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “оғиз”, “лабига” ва “талаб” калималаридир. Чунончи, “оғиз”дан мурод унинг биринчи ҳарфи “алиф” ҳарфи, у “лаб”нинг олдида келса, “олиб” деб ўқилади. Унинг олдида “талаб” сўзининг биринчи ҳарфи келса, “Толиб” исми ҳосил бўлади.

Таълифнинг **имтизожий** (қоришиқли) деб аталган тури ҳам эътироф қилинган. Унга кўра таълиф этиладиган жузвлар бир-бирининг ичига киритилади. Масалан, “Камол”ни яшашда “гул”нинг ичига “мо” (сув)ни киритгандек.

**Исқот** амалида муаммо назмида келган сўздан бир ёки бир нечта ҳарфлар олиб ташланиши асосида исми топишга эришилади. Муаммошунослар исқотни икки турини таъкидлайдилар: 1) айний – бир сўзнинг ўзидан ҳарф ёки жузв соқит қилиш, ўша асос сўз атрофига бошқа сўзлардан ҳарфлар жамланиши ҳам мумкин; 2) мислий – икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг маълум жузвларини соқит қилиб, керакли жузвларни сақлаб қолиш. Масалан, “аз беамали бим мадор” (амалсизликдан кўрқма) дейилган бўлса, “беамали” сўзидаги “бим” (кўрқув) олиб ташланади ва Али исми ҳосил қилинади.

Навоийнинг “Одам” номига ёзган муаммоси:

*Қон тўқар кўздин дамодам ашк, ваҳким ҳар замон,  
Боғланиб оҳимдин айлар кўкга майл ул қатра қон.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “дамодам”. Муаммодаги “қон тўқар” ишорасига кўра, “қон”нинг муродифи “дамодам”дан ахтарилади. Бу “дам”дир. Агар “дамодам”нинг кўзидан, яъни бошидаги “дам” тўкилса – исқот қилинса, “Одам” қолади.

**Қалб** амали муаммошунослар назмида беш услубда бажарилади: 1) қалби кулл – маълум сўзни ўз тартибида тўла ҳолда тескари ўқиш; 2) қалби баъз – сўзнинг баъзи қисмларини ўзгартириб ўқиш; 3) қалби куллий – икки ёки ортиқ сўз ҳарфларининг тартибини ўзгартирмасдан ўқиш орқали исм ҳосил қилиш. Бунда сўзларнинг ўрни ва ҳарфларнинг зеру забарлари ўзгариши мумкин; 4) қалби вазъий – маълум сўзнинг боши ёки охирига бошқа сўздан ҳарф олиб қўшиш ва ҳосил бўлган ҳарфий мажмуани тескари ўқиш. Бунда “қалб”, “акс” ва “давр” каби сўзлардан ишора сифатида фойдаланилади; 5) қалби жаълий – маълум сўздаги ҳарфлар тартибини ўзгартириб ўқиш. Улар умумлаштирилса, қалб қоидасига кўра, муаммода яширилган исм бирор сўз ёки унинг маълум қисми, шунингдек, баъзан бирикма (ибора) таркибининг ўрнини алмаштириб, ўзгартириб ўқиш орқали топилади. Масалан, “чун баромад Меҳру Моҳу Муштарий номи ту гашт” (Қуёш, Ой, Муштарий чикқач, сенинг номингга айланди) мисрасидан талмеҳ қоидасига асосан Меҳр – арабчаси Шамдан “син” ҳарфи, Моҳдан ташбеҳ қоидасига асосан “лом” ҳарфи, Муштарийдан талмеҳ орқали “йо” ҳарфи олиб йиғилса, “Сулай” ҳосил бўлади. Кейин, “номи ту гашт” ишорасига кўра, “ном” қалб қилинса – тескари ўқилса, “мон” бўлади. Ҳаммаси таркиб топса, Сулаймон исми ҳосил бўлади.

“Баҳо” номига Навоий ёзган муаммо:

*Дайр аро кир, пандни гўш айлагил,  
Бода бешак соф эрур, нўш айлагил.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “бода”. “Бода”нинг ўртасидаги “дол” ҳарфи исқот қоидасига кўра соқит қилинса, “боҳ” қолади. “Боҳ”нинг иккинчи ва учинчи ҳарфлари ўрни алмаштириб ўқилса – қалб қилинса “Баҳо” исми ҳосил бўлади.

Огаҳийнинг “Аллоҳ” исмига ёзган муаммоси:

*Ноз ила бугун ул шўх лола сайрига юрди,  
Лоладин олиб бирни боши узра қистирди.*

Ҳалл қилиш: исм моддаси “лола” ва “бир”. “Лола” сўзининг ўртасида келган “бир” – “алиф” олинди, мазкур сўзнинг бошига қўйиб ўқилса, “Аллоҳ” исми ҳосил бўлади.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. “Аъмоли такмили” қандай қоидаларни умумлаштиради?
2. Таълиф амалининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Исқот амалининг муаммо ҳаллидаги аҳамияти қандай?
4. Қалб амали нима ва у қандай кўринишларга эга?

## ҚЎШИМЧА МАШҚ УЧУН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲАЛЛИ Алишер Навоий муаммоларидан<sup>7</sup>

### АҲМАД

*Майда икки юз агар кўрсатмаса ул маҳжабин,  
Дурд дардин истабон жон бермагай аҳли яқин.*

Бу муаммо икки хил йўл билан ҳалл қилинади: Биринчиси, интиқод, қалб ва тасҳиф амалларининг бирга қўлланиши билан. Чунончи, исм моддаси “май”, “ул”, “жабин” ва “дард” сўзларидир. “Май”нинг юзи “мим”, “ул”нинг юзи “алиф”, “жабин”нинг юзи “жим” ҳарфларидир. “Дард”нинг дурди – қуйқаси, яъни охирги ҳарфи “дол”ни олиб улар билан таркиб берилганда “можид” бўлади. Бу сўз шакли муаммо исми (Аҳмад)га мослаб қалб қилинса, “ажмад” шакли келиб чиқади. Бу шакл тасҳиф қилинса, яъни “ажмад”нинг нуқтаси олиб ташланса, “Аҳмад” исми ясалади.

Иккинчи йўл ҳисоб амали билан амалга оширилади. Исм моддаси “икки юз”, “дард”, “жабин” калималаридир. Чунончи, “юз” калимаси абжад ҳисобида 23 бўлади. 23 яна бир мартаба юз кўрсатса, 46 бўлади. “Жабин”нинг юзи “жим” ҳарфи абжад ҳисобида 3 га тенг. “Дард”даги “дол” ҳарфи жумал ҳисобида 4 га тенг. Уни 49 га қўшса 53 бўлади. “Аҳмад” исмининг абжад ҳисоби миқдори 53 дир.

### ТОЖ

*Юз кўнгул сайдин ажал домидин озод айлади,  
То жамолинг тоблиг зулфини барбод айлади.*

Ҳалли: исм моддаси “то жамолинг”, “тоблиг”. Улар таҳлил қилинганда “тож-молинг”, “молинг”га тоб берилиб қалб қилинса, “ломинг” бўлади. “Зулф”дин мурод ҳам “лом”дир. “Тож молинг”дан “ломинг” исқот қилинса, “Тож” қолади.

### ЖУНАЙД

*Оҳ ўқин жондинки чексам ул париваи ёдидин,  
Қолмас ул ёдимда ҳам фарёд анинг бедодидин.*

Ҳалли: исм моддаси “оҳ ўқи”, “жон” ва “ёд”. “Оҳ ўқи” тамсилидан мурод “алиф”, у “жон”дан чекилса “жун”, “ёд”дан чекилса “йд” қолади. “Жун” ва “йд”ни бириктирганда – таркиб берганда “Жунайд” исми ҳосил бўлади.

### ЖАЪФАР

*Жонондин айру топди кўнгул умридин малол,  
Ўздин кечибтур эмдию айлар вафо хаёл.*

Ҳалли: исм моддаси “умр”, “кечиб”, “вафо”. “Умр”нинг дили “мим” ҳарфи ўзидин кечса, “ар” қолади. “Кечиб”ни дили “чим” ҳарфи икки атрофидан кечганда “чим” қолади ва уни тасҳиф қилганда “жим”га айланади. “Вафо”нинг дили икки атрофидан кечса, “ф” қолади ва уларга таркиб берилса “аржаф” келиб чиқади. У қалб қилинса, “Жаъфар” исми ҳосил бўлади.

### ҲАСАН

*Қошинг караимаси чеккали гамза досин,  
Янги ойнинг устида кўргузди ёсин.*

<sup>7</sup> “Ҳазойину-л-маоний”да келтирилган ушбу муаммоларини изоҳлашда Жалолиддин Жўраев томонидан нашрга тайёрланган “Алишер Навоийнинг муаммо жанридаги туркигўй халафи” китобида Абдулла Абдурахмон ўғли Гулшаний ечимларидан фойдаланилди.

Ҳалли: исм моддаси “қош” ва “ёсин”. “Қош”нинг муродифи “ҳожиб”, унинг карашмаси бошидаги “ҳо” ҳарфидир, ундан мурод “ҳ”дир. “Ёсин” таҳлил қилинса, “ё” (йо), “син” (син+йо+нун) бўлади. Энди ундан “син” таркибидан “йо”ни чиқариш мазмунини англаса бўлади. Бунда “сан” қолади. Бу “ҳ” билан бириктирилса, “Ҳасан” исми ҳосил бўлади.

### ҲАМЗА

*Ёшун эй гулки, ул гулрух жамоли,  
Эрур ҳам содаю ҳам тоза хаёли.*

Ҳалли: исм моддаси “жамоли”. “Жамоли” таҳлил қилинса, “жам” – “оли” бўлиб, икки жузвга бўлинади. Исмга яқин бўлган иккинчи жузв “жам” мақсаддир. “Жам”нинг нуқталари тасҳиф қоидасига кўра олиб ташланса “ҳам” бўлиб қолади. “Тоза” таҳлил қилинса, бу ҳам “то” ва “за” жузвларига бўлинади. Бундан ҳам иккинчи жузв, яъни “за” танланади. Мазкур “ҳам” “за” билан таркиб топганда “Ҳамза” бўлади.

### САДИҚ

*Юзунг била юзума кош бўлса уйла висол-  
Ки, бўлмаса ароларинда гайру ул хату хол.*

Ҳалли: исм моддаси “юз” ва “хату хол”. Биринчи “юз”нинг муродифи 100 сонининг форсча номи “сад”, иккинчи “юз” абжад ҳисобида “қоф” ҳарфига тўғри келади. Ва яна “Хату хол” “йо” ҳарфига далолат қилади. “Сад” ва “қоф” орасига “йо” ҳарфи киритилса, “Садик” исми ҳосил бўлади.

### САФИЙ ва САФО

*Қасди жонимга чу мужгонинг икки саф тузди,  
Бири қош ёси, бири гамза ўқин киргузди.*

Ҳалли: исм моддаси “икки саф”, “қош ёси” ва “гамза ўқи”. Икки “саф”дан бирига “йо” кўшилса, “Сафий” бўлади. Яна бир “саф”га “гамза ўқи” англатаётган “алиф” таркиб топса, “Сафо” ҳосил бўлади.

### ДАРВИШ

*Ҳар не топсанг давр аро соқий аёқга сол ани,  
Юз кўрардин ўтди иш, тут эмди мало-мол ани.*

Ҳалли: исм моддаси “давр” ва “иш”. “Давр” сўзи “дол”, “вов”, “ре” ҳарфлари билан ёзилади. Унинг орасидаги – ўртасидаги ҳарф аёқга – охирига ўтказилса, “дарв” бўлади. “Иш” калимаси “алиф”, “йо”, “шин” ҳарфлари билан ёзилади. Унинг юзи соқит қилинса, яъни “алиф” ҳарфи ташланиб, “дарв”га бириктирилса, “Дарвиш” ҳосил бўлади.

### ЗУННУН

*Васл саъидин эмиш ишқ аҳли ичра можаро,  
Завқдин кўрким, юзум олтундек ўлмиш ишқ аро.*

Ҳалли: исм моддаси “завқ” ва “олтун”дир. “Завқ”дан юз ададига тенг бўлган “қоф” “кўр” қилинса – соқит қилинса, “зу” қолади. “Олтин”нинг тажниси “алнун” – “ан-нун”дир. Араб тилида “ал-“ аниқлик аломатининг икки томонида келган сўзлар бириктириб ўқилади. Шунга кўра, “зу” билан “алнун” таркиб қилинса, “Зуннун” деб ўқилади.

### РУСТАМ

*Нечаким ёр ситам эткон ила узди вафо,  
Ёдин этгонча оти вирди забон бўлди манго.*

Ҳалли: исм моддаси “ёр ситам” бирикмасидир. “Ёр ситам”дан “йо” соқит бўлса, “Рустам” ҳосил бўлади.

## РАЖАБ

*Ою қуёш айлади юзунг била даъво,  
Бизга алардин ажаб бўлди бу маъно.*

Ҳалли: исм моддаси “ой”, “қуёш” ва “ажаб”дир. “Ой”нинг муродифи “қамар”, “қамар”нинг махсус ҳарфи “ре”, қуёшнинг махсус ҳарфларидан бири “айн”. “Айн” ҳарфи “ажаб”дан соқит қилинса, “жаб” қолади. “Ре” ҳарфи “жаб” билан бириктирилса, “Ражаб” исми ҳосил бўлади.

## ЗАЙНИ ва ЗАЙД

*Кўз учи, қоши ёсидур соҳир,  
Они ёд ол алардин, эй сомир.*

Ҳалли: “Зайни” исмининг чиқиши учун “кўз учи”, “қоши ёси”, “ани” сўзларидан исм моддаси сифатида фойдаланилади. “Кўзнинг учи” “зе” ҳарфи. “Қоши ёси”дан мурод “йо” ҳарфи. “Ани”дан мурод “ни” ҳарфий бирикмаси. Уларнинг ҳаммаси бириктирилса, “Зайни” ҳосил бўлади.

“Зайд” исми чиқиши учун исм моддаси бўлиб “кўз учи”, “қоши ёси”, “ёд ол” калималари хизмат қилади. “Кўз учи”дин мурод “зе”, “қоши ёси”дин мурод “йо” ҳарфи эди. Уларнинг бирикишидан “зай” келиб чиқади. “Ёд ол” бирикмасини таҳлил қилинса, “йо-дол” ҳарфларидан иборат бўлади. Агар “зай”га “дол” ҳарфи бириктирилса, “Зайд” исми ҳосил бўлади.

## ЗОҲИД

*Ой юзинда холни кўргач, ул ой топти жамол,  
Охир ул юздинки ёпти, ваҳки пинҳон бўлди хол.*

Ҳалли: исм моддаси “ой”, “хол”, “дин”, “ваҳ” калималари. “Ой”нинг муродифи “қамар”, унинг махсус ҳарфи “ре”. “Хол”дан мурод нуқта. Мазкур “ре” ҳарфига нуқта қўйилса, “зе” ҳарфи ҳосил бўлади. Кейин “ой”нинг юзи – биринчи ҳарфи бўлган “алиф” ҳарфи “зе” билан бириктирилса, “зо” бўлади. “Ваҳ”нинг юзи ёпилса, яъни “вов” ҳарфи соқит қилинса, “хе” ҳарфи қолади. “Дин”ни юзи бўлган “дол” ҳарфи “хе” ҳарфи билан бириктирилса, “ҳид” бўлур. Аввал ҳосил қилинган “зо” “ҳид” билан таркиб топса, “Зоҳид” исми келиб чиқади.

## САЛМОН

*Қилур эсанг манго сомон, аё рафиқ, ҳавас,  
Анинг аёғига еткур манинг бошимниву бас.*

Ҳалли: исм моддаси “сомон”, “оёғ” ва “бош”. “Сомон” калимаси таҳлил қилинса, “со”-“мон” бўлиб, муаммой маънога эга икки жузвга бўлинади. Исмни топишда иккинчи жузв – “мон” муроддир. “Оёғ” (оёк)нинг арабий муродифи “рижл”. “Рижл”нинг “оёғи” – “лом” (л) ҳарфи. У “мон”га қўшилса, “лмон” ҳосил бўлади. “Бош”нинг форсий муродифи “сар”. Унинг боши “син” (с) ҳарфи. “Син” ҳарфи “лмон”га бириктирилса, “Салмон” исми келиб чиқади.

## ЗОҲИР

*Халқ ичра зуҳури ҳусни ул симинбар  
Кўргузди, ваё қиёмат бўлди яқсар-  
Ким, жилвагар эрди гар кичик ёки улуг,  
Бир-бир ҳаракатин айлади зеру забар.*

Ҳалли: бу муаммони икки амал билан ҳалл қилиш мумкин. Биринчиси, исм моддаси сифатида “кўргузди”ни танлаб, унинг арабий муродифи “зоҳир”ни келтириш. Иккинчиси, байт мазмунига кўра, “Зухур”нинг “вов” ҳарфи зеру забар, яъни соқит қилинса, “заҳир” қолади. “Қиёмат”дан мурод “қад”, “қад”дан мурод “алиф”дир. Агар ана шу “алиф” “заҳир” орасида жилвагар бўлса, “зо” улуг ва “алиф” кичик сонлардан иборат бўлишларига қарамай, “Зоҳир” исми ҳосил бўлади.

## ОМИР

*Жумла ашёга бўлди ошиқу ошуфта ҳол,  
Оламу одам юзидин чун қилди миръот ул жамол.*

Маълумки, “Омир” икки хил ёзилади: бирида бош ҳарфи “алиф”, иккинчисида бош ҳарфи “айн”. Биринчисида сўзнинг мазмуни “иш боши”, иккинчисида “умриобод”га яқиндир. Муаммода исмнинг икки хил шаклини келтириб чиқаришга ҳам имкон яратилган.

Ҳалли: 1) исм моддаси “одам” ва “миръот” калималари. “Одам”нинг юзи “алиф” ҳарфи. “Миръот” таҳлил қилинса, “мир” ва “от”га бўлинади, ундан мурод “мир”. “Алиф” билан “мир” таркиб қилинса, “Омир” исми ҳосил бўлади.

2) “Омир” “айн” билан бўлса, исм моддаси “олам” бўлиб, у таҳлил қилинса, “о” (айн ва алиф) – “лам” бўлиб, икки жузвга бўлинади. Яна “миръот” таҳлилидан “мир” олиниб, “олам”нинг “о” жузви билан таркиб қилинса, “Омир” исми келиб чиқади.

## ОДИЛ

*Ҳам қоши била орази хуш эрур,  
Ҳам кўзи била қади дилкаш эрур.*

Ҳалли: исм моддаси “кўзи”, “қади”, “дилкаш” калималари. “Кўзи”нинг муродифи “айн”. Бундан мурод “айн” ҳарфи. “Қад”дан мурод “алиф” ҳарфи. Бу икки ҳарф таркиб топса “о” бўлади ва улар “дилкаш” калимасидаги “дил”ни ўзларига тортсалар (кашидан), “Одил” ҳосил бўлур.

## ҒАРИБ

*Чок бағрим тарафин айладинг икки парканд,  
Бирини ташлабон охир, бирин этдинг пайванд.*

Ҳалли: исм моддаси “бағрим”дир. Бу сўзнинг икки тарафидан биттадан ҳарфни олиб, ўртада қолган “ғри”нинг охирига бошидан олинган “б” пайванд қилинса, “Ғариб” ҳосил бўлади.

## ҒАЙБИЙ

*Сўзга айирди икки лабингни такаллуминг,  
Ё барги гулни икки айирди табассуминг.*

Ҳалли: исм моддаси “барги гул”, “икки” ва “ё” сўзлари. “Барги гул”нинг муродифи эски ўзбек тилидаги имлосида “яфроғ”дир. “Яфроғ”ни икки томонига қаралса, бир томонида “ғ”(ғайн) ва бир томонида “й”(йо) ҳарфи туради. Бу иккиси ажратиб олиниб таркиб берилса, “ғай” ҳосил бўлади. “Икки” абжад ҳисобида “бе” ҳарфини англатади. Бунда сонни зикр қилиниб, ҳарф ирода қилинган. “Ғай”га “б” таркиб қилингандан сўнг уларга “ё” – “й” ҳарфи таълиф қилинса, “Ғайбий” номи ҳосил бўлади.

## ҒАРҲОД

*Ҳар кеча кўнглум гаминг тогида фарёд айлағай,  
Уйлаким, фарёд фарёдини Фарҳод айлағай.*

Ҳалли: “Ғарҳод” исми тансис амали билан зоҳир қилинган. Шунингдек, бу исм “фарёд” (фарйод)нинг “йод” жузвини “ҳод”га табдил қилиш билан ҳам ҳосил қилиниши мумкин.

## ҒАРРУХ

*Агар юзунгдин хусн эли юзинда бир ҳол этса фош,  
Ул арода бесару по заррадек киргай қуёш.*

Ҳалли: исм моддаси “юз” ва “фош” сўзлари. “Юз”дан мурод “рух”дир. “Фош”нинг юзи “ф”(фе) ҳарфидур. “Ф” ҳарфи “рух” билан бириктирилса, “Ғаррух” исми ҳосил бўлади.

## ҚУБОД

*Сочинг губори гаҳи юз ёпар, гаҳи юз очар,*

*Не зулфдурки, ёпар они, нечунки, мушк сочар.*

Ҳалли: исм моддаси “ғубор”, “юз” ва “зулф” калималаридир. “Ғубор гаҳи юз ёпар” бирикмасидан “ғубр”нинг биринчи ҳарфи тушурилиши тушунилади. “Юз очар” бирикмасидаги “юз” абжад ҳисобида татбиқ қилинади, 100 ададини “қоф” ҳарфи ифодалайди. Уни “ғубор”нинг “ғ”си ўрнида қўлласак, “қубор” келиб чиқади. “Зулф”дан мурод “дол” (д) ҳарфидир. У “қубор”ни ёпса, охириги ҳарфини эътибордан тушурса ва ўзи мушк сочса, “Қубод” исми ясалади.

#### КАМОЛ

*Юзунгим, қатра хўйи сероб қилмиш,  
Гуледурким, су ичгандан очилмиш.*

Ҳалли: Исм моддаси “гул” ва “сув”. “Гул”нинг тажниси “кул”дур, бунда “у” ҳарф билан ифодаланмаслигини унутмаслик лозим. “Сув”нинг арабий муродифи “мо”дир. Мазкур “мо” “кул” ўртасида воқеъ бўлса, “Комил” исми келиб чиқади.

#### ЛОЛО

*Сабодин кўрди, чун машиот икки зулфини дарҳам,  
Анингдек учларин кестики, қатъ ўлди гириҳлар ҳам.*

Ҳалли: исм моддаси “зулф”. “Зулф”дан мурод “лом” ҳарфидир. Бинобарин, икки зулфдан мурод икки “лом”. “Машшот”нинг муродифи “тароқ”. “Тароқ”дан мурод “алиф” ҳарфидир. “лом” билан “алиф” бириктирилиши икки марта такрорланса, “Лоло” бўлади.

#### МУҲСИН

*Мажлисда шайх бу кеча кўб шайн бошлади,  
Синдурди шамъ ва нуқлни ҳавз ичра ташлади.*

Ҳалли: исм моддаси “шамъ”, “нуқл” ва “ҳавз”. “Шамъ” синса, “шам” қолади. “Шам” тасҳиф қилинса, “сам” бўлади. У қалб қилинса, “мас” бўлади. Кейин “нуқл”нинг боши “нун” ҳарфи “мас” билан бириктирилса, “мси” ҳарфий мажмуа ҳосил бўлади. “Ҳавз”нинг боши “ҳо” ҳарфи мазкур “мси” ичига киритилса, “Муҳсин” келиб чиқади.

#### МУРОД

*Лутфунг ели чу эсти бу мардудга филҳол,  
Идбор ниҳоятга етиб, келди юзи иқбол.*

Ҳалли: исм моддаси “мардуд”, “юз” ва “иқбол”. “Мардуд” идбор – бахтсизликнинг ниҳояга (охирига) етиши натижасида “мард”га айланади. Абдулла Гулшаний бу муаммони шарҳлаш жараёнида “мардуд” охиридаги икки ҳарф мунфасл бўлгани учун “мард” шаклининг ажралиб туришини инobatга олиб, “мард тансис амали билан зоҳир ва хувайдодур”, дейди. Бу фикрга ҳам қўшилиш мумкин. Лекин унда “идбор ниҳоятга етиб” калималари эътибордан четда қолдирилган бўлади. Бас, мавзуга қайтамиз: “иқбол”нинг юзи “алиф” ва у “мард” ичига киритилса, “Мурод” исми ҳосил бўлади.

#### НЕКПАЙ

*Ўқунга тан ваъдаи нигоҳи жони хуш қилмиш эрди хотирин,  
Кести чу пайконинг бирин, куйдурди пайғоминг бирин.*

Ҳалли: исм моддаси “пайконинг” ва “пайғоминг”. “Пайконинг”дан “пайко” кесилса – “нек”, “пайғом”дан “ғом” кесилса – “пай” қолади. Ана шу қолганлар таркибидан “Некпай” ҳосил бўлади.

#### НОСИР

*Кўрунса кўзга ногоҳ ул ой,  
Кўзум ҳайрон қолур юзига эй вой.*

Ҳалли: исм моддаси “ой”. “Ой”нинг муродифи “қамар”, у абжад ҳисобида текширилса 340 га тенг. Иккинчи мисрада ойнинг юзи яна таъкидлангани учун “ой”нинг юзи “алиф” – 1 мазкур ададга қўшилса, 341га тенглашади. Бу рақам “Носир” ҳарфлари ададига тенгдир.

#### ВАРАҚА

*Жавр ила қаҳринги ҳаддин ошти бағоят,  
Ваҳки, не бор ибтидо анга, не ниҳоят.*

Ҳалли: исм моддаси “жавр” ва “қаҳринг”. “Қаҳринг”дан ошган ҳадди – “инг” исқот қилинса, “қаҳр” қолади. У қалб қилинса “рақа” бўлади. “Жавр”нинг ибтидо ва интиҳоси соқит қилинса, “вов” қолади ва у “рақа”нинг бошига қўйилса, “Варақа” бўлади.

#### ВАЛИ

*Чу ул ойга қул ўлди бу замкаш,  
Қулидин юз ёшурди ул маҳваши.*

Ҳал қилиш: исм моддаси “қули”. Чунончи, “қули”дан “юз ёшурди” ишорасига кўра, юз (100)ни ва бу ҳисобга тенг “қоф” ҳарфи тушурилса, “Вали” исми ясалади.

#### ҲУМОМ

*Ул шўх онча жаврда кўргузди эҳтимом  
Ким, от чиқорди, балки анго ушбу эрди ком.*

Ҳалли: исм моддаси “эҳтимом”ва “от”. “Эҳтимом”дан “от”, яъни бошидаги “алиф” ва ўртадаги “те” ҳарфлари чиқарилса, “Ҳумом” қолади.

#### ҲИЛОЛ

*Кўнглум ҳалок бўлди, чу ишқингни бошлади,  
Охир бошинда ҳар неким бор эрди, ташлади.*

Ҳалли: исм моддаси “ҳалок”, унинг охирги “қоф” ҳарфи ташланса, “ҳало” қолади. Яна бир исм моддаси “кўнглум”, унинг муродифи “дил”. “Дил”нинг боши ташланса, “лом” қолади. “Ҳало”га “лом” ҳарфи бириктирилса, “Ҳилол” номи чиқади.

#### ЮСУФ

*Сайёр ичра қачон ким, юзунга етди қуёш,  
Етар оқибат анинг чеҳрасидан борди ёш.*

Ҳалли: исм моддаси “сайёр”, “етди” ва “қуёш”. “Қуёш”дан “ёш” кетса, “қу” қолади ва унинг нуқтасидан биттаси олиб ташланиб тасхиф қилинса, “фу” бўлади. “Сайёр”нинг юзи “син” ҳарфи “фу” билан бириктирилса, “фус” бўлади, у қалб қилинганда “суф”га айланади. Унинг бошига “етди”нинг юзи бўлган “йо” ҳарфи келтирилса, “Юсуф” ҳосил бўлади.

#### ЮНУС

*Зулф очмаки, юзингдур манго шамъи мажлис,  
Маҳв қил тун рақамин кун юзидин, эй мунис.*

Ҳалли: исм моддаси “мунис” ва “тун рақами кун юзидин”. “Кун юзи”дан мурод “мунис”нинг биринчи ҳарфи “мим”дир. Ҳисоб қоидасига кўра, “мим”нинг адади 40 га тенг, ундан “тун рақами” – 30 маҳв қилинса, 10 адад қолади. Бу ададни ўз жойида қолдириш керак. Бунинг учун 10 ададига тенг ҳарф “йо” олиниб “мим” ҳарфи ўрнига қўйилади, “Юнус” исми ҳосил бўлади.

**Захириддин Муҳаммад Бобур муаммоларидан**

#### БОБУР

*Эшигинг остонига қўюбон икки юзумни,  
Ўпай гоҳе тавозуь бирла суртай гоҳ кўзумни.*

Ҳалли: исм моддаси “эшик” ва “икки юз”. “Эшик”нинг арабий муродифи “боб”, унинг остонига абжад ҳисобида 200 га тенг ҳарф – “ре” келтириб қўйилса, “Бобур” исми келиб чиқади.

### МУАЙЯН

*Кўзумки, хати эрди анинг матлуби,  
Юз шукрки равшан этти кўз мактуби.*

Ҳалли: исм моддаси “кўз” ва “кўз мактуби”. “Кўз”нинг арабий муродифи “айн”, “кўз мактуби”дан мурод “мим” ҳарфи. “Айн”нинг юзини – бошини “мим”равшан қилса, демак, шу тартибда бириктирилса ва “айн”нинг “йо” ҳарфи ташдидланса – иккилантирилса, “Муайян” номи ҳосил бўлади.

### ЮСУФ

*Ютодур таассуфдин фироқида кўнглум қон,  
Нетай бу бало бирла недур, дўстлар, дармон.*

Ҳалли: исми моддаси “ютодур” ва “таассуф”. “Ютодур”га таҳлил берилса “ю-то-дур” шаклини олади. Ундан “ю токи” мазмунини тушуниш мумкин. “Ю” токи “таассуф”дан фироқда экан, кўнгил қон. Демак, бирлаштириш лозим. Улар бирлаштирилса, “ютаассуф” пайдо бўлади. Кўнгилнинг маънодоши “дил”. “Дил”дан мурод калиманинг ўртаси. “Ютаассуф”нинг ўрта қисми “таа” тушурилса, “Юсуф” исми ҳосил бўлади.

Бу муаммони “таассуф”дан “суф”ни олиб, “бу” билан бирлаштириш ва тасхиф қоидасини қўллаб, “бе”нинг нуқтасини иккита қилиш йўли билан ҳам ҳалл қилиш мумкин.

### ҲАСАН

*Хулқунгни рост қилгил ҳар соризаки борсанг,  
“Аҳсанта”, дер бори эл, гар яхши от чиқарсанг.*

Ҳалли: исм моддаси “аҳсанта”. “Аҳсанта”нинг охиридаги “а” ҳарф эмас, фатҳа – забар белгисидир. Бинобарин, бу сўздан “от” чиқарилса, яъни бошидаги “алиф” ва охиридаги “те” чиқарилса, “Ҳасан” исми қолади.

### ХОЛИД

*Кўнгулга ўт солур ул гулнинг ики юзининг оли,  
Ичимни куйдурур ул қора зулфи оллида холи.*

Ҳалли: исм моддаси “зулф” ва “хол”. “Зулф”дан мурод “дол” ҳарфи. Демак, “дол”нинг олдида “хол” келса, “Холид” исми ҳосил бўлади.

### ОЗОД

*Ишқ таврини истасанг, қошимга беиҳмол кел,  
Ишқ аро озор беҳад чекмишам, ёд ол кел.*

Ҳалли: исм моддаси “озор” ва “ёд ол”. “Озор” беҳад қилинса, “озо” қолади. “Ёд ол” таҳлил қилинса, “ё-дол” бўлади. Уни тасмия қоидасига кўра, “дол” қисми олиниб, номдан ҳарф ирода қилинса ва “озо”нинг охирига чақириб олинса (ё “дол, кел!”), “Озод” исми ҳосил бўлади.

### КУБОД

*Юз биёбон тарафига урайин,  
Дарди дил бирла не мунда турайин.*

Ҳалли: бу ерда “юз” (100)дан мурод “қоф” ҳарфи. “Биёбон”дан икки маънода фойдаланиш мумкин: биринчиси, ундан истиора қоидасига кўра “шамол”ни англаш ва “шамол”нинг муродифи “бод”ни олиб, унга “қоф” юз урса, “Қубод” исми келиб чиқади. Иккинчиси, “биёбон”нинг дили “бо”ни олиб, “қоф”га бириктириш, кейин “дил”нинг дарди – “дол” ҳарфини олиб, мазкур “бо”га улаш билан “Қубод” исми ҳосил қилинади.

### КАЛОМИЙ

*Етилди соч будур сендин муроде-  
Ки, қилгайсен каломе, бизни ёде.*

Ҳалли: исм моддаси “калومه”. Муаммода тансис қоидасига кўра, исми равшанлаштирган “калومه” калимаси келтирилган. Унинг охиридаги йо-йи ваҳдат (е) “бизни ёде” (йо-де) ишорасига кўра, оддий “йо”га айлантиради ва “Каломий” исми ҳосил қилинади.

### ТОЛИБ

*Сизмас эдим тўнумга фараҳдин мен ҳазин,  
Бемехр ёр қилса атоёе либосдин.*

Ҳалли: исм моддаси “атоёе либос”. “Атоёе” тўнига сиғмаса, икки тарафидан биттадан ҳарф олиб ташланса, “то” қолади. “Либос”дан бир қисм – “либ” атоёе-туҳфа этилса ва “то” билан “либ” таркиб қилинса, “Толиб” исми ҳосил бўлади.

### АЛЛОМА

*Чун сени ёқмас, ул ойнинг жаврига юз боғлама,  
Ой юзини кўрмак истар бўлсанг, эй кўз, йиғлама.*

Ҳалли: “ой” ва “юз”. “Юз”дан мурод “айн ва “лом” ҳарфларидир. Чунки ана шу икки ҳарф ҳисоб амали, абжад ҳисобига кўра 100 га тенг келади. “Ой”нинг юзи “алиф” уларга бириктирилса, “алло” пайдо бўлади. Яна, “ой”нинг муродифи “мах”, у мазкур “алло”га уланса “ма” деб ўқилади. Натижа “Аллома” исмидир.

### РАФЕЪ

*Чун бордур ушбу саргардон кўнгулга телбалик зоти,  
Таажжуб қилмангиз бошсиз эса ҳарфи иборати.*

Ҳалли: исм моддаси “ҳарфи иборати”. Бу модданинг биринчи сўзи бошсиз қилинса (“ҳа” туширилса), “рфи” қолади. Иккинчи сўз саргардон қилинса (биринчи ҳарфи “айн” олинса), ва улар таркиб қилинса, “Рафеъ” исми ясалади.

### ЁРИЙ

*Телба бўлдум, эл демас ҳолимни, эй золим, санга,  
Ё бери келсанг, пайопай айтайин ҳолим санга.*

Ҳалли: исм моддаси “ё бери”. “Ё”га “бери” пайопай, яъни пайи “ри” бириктирилса, бу бирикма эски имлога кўра, “Ёрий” исмини келтириб чиқаради.

### ИХТИЁР

*Рақиб эвида ниҳон ўйнар ул ҳабиб қимор,  
Нетиб ўзимни анга ҳамдами қимор қилай.  
Чу ихтифойи қимор ўлди ёр анда бузар,  
Бу ишни элга не тил бирла ошкор қилай?*

Ҳалли: “ихтифо” ва “ёр”. “Ихтифо”нинг маъноси “яширинмоқ”дир. Унинг яширинишини “ёр”нинг қўшилиши “бузади”. Демак, “ихтифо”нинг бир қисми, хусусан охириги ҳарфи яширилиб, унга “ёр” қўшилади ва “Ихтиёр” исми ясалади.

### НАҚИБ

*Кўруб ағёр ила кўзу кўнгулга бўлди дарду ғам,  
Паришон бўлгали ўздин борибтур кўзу кўнглум ҳам.*

Ҳалли: исм моддаси “ағёр”. “Ағёр”нинг муродифи “рақиб”. Табдил амалига кўра, “ре” “нун”га айлантирилса, “Нақиб” исми ҳосил бўлади.

#### КАМОЛ

*Кам кўрунса, не ажаб, ул гулўзор,  
Зулфиниким келтирубтур тор-тор.*

Ҳалли: исм моддаси “кам”, “ул” ва “зулф”. “Ул”нинг узори – юзи “алиф”. “Зулф” ташбеҳ қоидасига кўра “лом”га ишора. “Кам”га “алиф” ва “лом” таълиф қилинса, “Камол” исми ҳосил бўлади.

#### НАҚИЙ

*Гар суратинг васфин не тонг дей, ўлмаса бу беқарор,  
Ё манқабат, ё не дегай, эй ёр, кўрсатгил узор.*

Ҳалли: исм моддаси “манқабат” ва “ёр”. “Манқабат” беқарор қилинмаса – таҳлил қилинмаса исм васфини айтиб бўлмайди. Шунинг учун бу модда “ма-нқа-бат” тарзида таҳлил қилиниб, унинг ўртаси олинади ва унга “ёр”нинг узори – юзи “йо” бириктирилади: “Нақий” исми келиб чиқади.

## ХУЛОСА

Муҳтарам китобхон!

Мана, улуғ аждодларимиз бадиий ижодлари оламининг кичик намунаси сирларидан бир қадар воқиф бўлдингиз. Биз бу кичик намуна – муаммо жанрини атайин фақат бир томондан изоҳладик. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, биргина жанрни ўрганиш учун Сиз чегарасиз вақтга эга эмассиз. Белгиланган вақт чегараси сўзимизни мухтасар қилишга мажбур қилади. Иккинчидан, мумтоз адабиётимизда шеърӣ жанрлар устиворлик касб этганидек, уларнинг маърифатида кўпроқ муайян жанрнинг шаклий компонентларини тавсифлаш анъанаси етакчилик қилади. Биз ана шу анъанага таяниб иш кўрдик. Албатта, бошқа адабий тур ва жанрлардаги каби муаммода ҳам шакл ва мазмун ажралмас тушунчалар. Лекин биз унинг мавзу ва мазмун хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, уларнинг таҳлилига диққат қаратадиган бўлсак, қўлланма ҳажми ортиб кетар эди. Шунинг учун бу вазифани Сизнинг зиммангизда қолдирдик.

Таъкидлаш лозимки, муаммо жанрининг мавзу ва мазмуни ҳам бошқа шеърӣ жанрлар каби муаллифининг салоҳияти даражаси билан ўлчанади. Яъни ғазал ёки мухаммас, рубоӣ ёки туюқ ва ҳоказо жанрларда муаллифларнинг ижодий салоҳиятлари қандай акс этса, муаммода ҳам худди шундай намоён бўлади. Шунинг учун бу жанрдаги шеърларни ҳам муаллифларининг ижодий мавзулари, мотивлари ва ғоявий йўналишлари доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки муаммо ким учундир унинг биринчи вазифаси – поэтик малакани шакллантириш ва ривожлантириш тажрибасидангина иборат бўлиб қолса, ким учундир санъатнинг ижтимоӣ моҳиятидан келиб чиқиб, поэтик-ижодий тафаккур даражаси тараққиётини таъминлаш, даврнинг муҳим ижтимоӣ масалалари борасида қатъӣ фикрини билдириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Биргина муаммо учун исм танлашининг ўзидаёқ ижодкорнинг қайси табақа ёки мафкура манфаатларига хизмат қилиши, жамиятнинг етакчи ғояларига ва мавжуд турмуш тарзига муносабатлари яққол кўринади.

Ҳақиқий ижодкор қайси жанрга мурожаат қилмасин ўзи ижод қилаётган соҳанинг туб моҳиятини англаб етган бўлса, энг аввало, ана шу моҳият мезонида асар яратади. Санъатнинг, жумладан сўз санъати – адабиётнинг вазифаси фақат ахлоқӣ масалаларда баҳс юритиш ёки бадиӣ-эстетик завқ улашишдангина иборат эмас. Балки мавжуд оламда ва умумбашарӣ жамоада инсоннинг ўрнини белгилаб бериш, инсоннинг уларга ижобӣ позициядаги муносабатларини шакллантириш кабилар ҳам санъатнинг вазифаларидандир. Бунда, албатта, унинг ҳаётбахшлигини таъсирчанлик, бошқача айтганда, бадиӣят таъминлайди. Муаммонинг шаклий компонентлари ана шу таъсирчанликни таъминловчи воситалар, холос. Қўлланмада келтирилган Навоӣ ва Бобур муаммолари адабиётнинг мазкур вазифаларидан келиб чиқиб баҳоланадиган бўлса, уларда шакл нуқтаи назаридан ҳам, мазмун нуқтаи назаридан ҳам тўла жавоб умумлашганига гувоҳ бўламиз. Уларни ўрганиш бошқа жанрларда ҳам образли ифодалар, бадиӣ бўёқларга бой тасвирлар яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Алишер Навоийнинг муаммо жанридаги туркигўй халафи/ Нашрга тайёрловчи Ж.Жўраев. – Тошкент: Фан, 2009.
3. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1985.
4. Бертельс Е. Э. Навои. Опыт творческой биографии. – М. – Л., 1948.
5. Бобу шеърятдан / Шарқ классиклари меросидан. – Тошкент: Марказқўм нашриёти, 1982.
6. Жомий, Абдурахмон. Куллиёт. – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, № 3663.
7. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986.
8. Литературный энциклопедический словарь/Под общ. ред. В. М. Кожевникова, П. А. Николаева. – М.: Сов. энциклопедия, 1987.
9. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.
10. Матякубова М.Ҳ. Огаҳий ижодида кичик шеърӣ жанрлар. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА Тил ва адабиёт инст., 2000.
11. Навоий, Алишер. Наводир уш-шабоб/Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 2-ж. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
12. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 5-ж. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
13. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 9-ж. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
14. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 10-ж. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
15. Огаҳий, Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли. “Таъвизу-л-ошиқин” девони. – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, № 938.
16. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976.
17. Тарозий, Шайх Аҳмад. Фунуну-л-балоға. – Тошкент: Ўзбек тили ва адабиёти журнали, № 5/2002.
18. Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.
19. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.
20. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998.
21. Ҳусайний, Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	
Муаммонинг қисқача жанрий тавсифи .....	
Ҳалл ва унинг асосий қоидалари .....	
Аъмоли тасҳилий .....	
Аъмоли таҳсилий .....	
Аъмоли такмилий .....	
Қўшимча машқ учун муаммолар ва уларнинг ҳалли ....	
Алишер Навоий муаммоларидан .....	
Заҳриддин Муҳаммад Бобур муаммоларидан .....	
Хулоса .....	
Фойдаланилган адабиётлар .....	